



ТЕХНИКА ОЛИЙ ТАЪЛИМ МУАССАЛАРИДА МУҲАНДИСЛИК ГРАФИКАСИ ФАНИНИ ИННОВАЦИОН ТЕХНОЛОГИЯЛАР АСОСИДА ТАШКИЛ ЭТИШ МЕТОДИКАСИ

Хакимова М.Ў.

Тошкент кимё технология институти стажёр ўқитувчиси

Таянч сўзлар: техника, графика, технология, янгилик, фан, таълим, маданият, ходиса, бошқарув, иқтисодиёт.

Ключевые слова: техника, графика, технологии, инновации, наука, образование, культура, событие, менеджмент, экономика.

Key words: technology, graphics, technology, innovation, science, education, culture, event, management, economics.

РЕЗЮМЕ:

Бугунги кунда бўлажак мутахассисларнинг муҳандислик тайёргарлиги янги мезонлар асосида белгиланмоқда. Техника олий таълим муассасалари талабаларига муҳандислик геометрияси ва компьютер графикасини ўқитиш тизимини замонавий педагогик модел талаблари асосида ташкил этиш ва юқори малакали умумий муҳандислик график тайёргарлигини таъминлаш долзарб аҳамият касб этмоқда. Техника олий таълим муассаларида муҳандислик графикаси фанини инновацион технологиялар асосида ташкил этиш шахс томонидан янгиликни ижобий қабул қилиниши, олдиндан айtilган ижобий таъсирга эга янгиликни амалга оширишда иштирок этишда ҳамда фан, таълим, маданиятнинг органик масалаларини бирлаштирувчи мураккаб ижтимоий ходиса ҳамда энг аввало, бошқарув, иқтисодиёт, таълим, маданият каби жамиятнинг турли соҳаларидаги касбий амалиётда намоён бўлади.

Мақолада техника олий таълим муассаларида муҳандислик графикаси фанини инновацион технологиялар асосида ташкил этишга тайёргарлик мезонлари ва кўрсаткичлари ва баҳолаш мезонларини ишлаб чиқиш учун зарурий омиллар ёритиб берилган.

РЕЗЮМЕ:

Сегодня инженерная подготовка будущих специалистов определяется на основе новых критериев. Актуальную значимость имеет организация системы обучения инженерной геометрии и компьютерной графики студентов технических вузов, основанная на требованиях современной педагогической модели и обеспечивающая качественную общеинженерно-графическую подготовку, участвующая во внедрении новации с указанным позитивом. воздействие и сложное социальное явление, сочетающее в себе органические проблемы науки, образования, культуры и, прежде всего, управления, экономики, оно проявляется в профессиональной практике в различных сферах жизни общества, таких как образование и культура.



В статье описаны критерии и показатели подготовки к организации науки инженерной графики в технических вузах на основе инновационных технологий, а также необходимые факторы для разработки критериев оценки.

SUMMARY:

Today, engineering training of future specialists is determined on the basis of new criteria. The organization of the system of teaching engineering geometry and computer graphics to students of technical universities, based on the requirements of the modern pedagogical model and providing high-quality general engineering and graphic training, participating in the implementation of innovation with the specified positive, is of current importance. impact and a complex social phenomenon that combines organic problems of science, education, culture and, above all, management, economics, it manifests itself in professional practice in various spheres of society, such as education and culture.

The article describes the criteria and indicators of preparation for the organization of the science of engineering graphics in technical universities based on innovative technologies, as well as the necessary factors for the development of evaluation criteria.

Республикамиз таълим тизимини замонавий даражада такомиллаштириш йўналишида амалга оширилаётган кенг кўламли ишлардан кўзда тутилган асосий мақсад – ёш авлодга таълим-тарбия бериш сифати ва самарадорлигини ошириш, уларни ўз юртининг содиқ фарзанди этиб тарбиялаш ва мустақкам билим эгаллашлари учун барча шарт-шароитларни яратиш ҳисобланади. Бугунги кун талабларидан келиб чиққан ҳолда янги чуқур билимлар талаб этувчи технологияларнинг ривожланиши шароитларида мустақил равишда янги билимларни эгаллаш, касбий маҳорат чўққиларини эгаллашга қодир ва касбий мослашувчанлик ҳислатларига эга бўлган чуқур билимли, юқори малакали мутахассисларини тайёрлаш орқали таълим-тарбия жараёни сифати ва самарадорлигини ошириш кўзда тутилади. Бу эса ўқув жараёнини илм-фаннинг замонавий ютуқларига таянган ҳолда ташкил этишни, замонавий таълим технологияларидан самарали фойдаланишни талаб этади.

Ҳозирги вақтда турли тармоқларга янги ахборот технологияларини жорий этиш жараёни кенг ривож топди. Шу муносабат билан техника олий таълим муассасаларида бўлажак мутахассисларнинг муҳандислик тайёргарлиги янги мезонлар асосида белгиланмоқда. Техника олий таълим муассасалари талабаларига муҳандислик геометрияси ва компьютер графикасини ўқитиш тизимини замонавий педагогик модел талаблари асосида ташкил этиш ва юқори малакали умумий муҳандислик график тайёргарлигини таъминлаш долзарб аҳамият касб этмоқда.

Техника олий таълим муассасаларида муҳандислик графикаси фанини инновацион технологиялар асосида ташкил этиш мутахассиснинг келажакдаги касбий ҳаракатланиши учун пойдевор бўлиши, фаолият тури ўзгарганда “янги меҳнат жараёнига тез кириша олиши” учун керак.



Муҳандислик графикаси фанини ўқитишнинг ҳолати ва тараққиётини таҳлил қилиш шуни кўрсатадики, замонавий жамиятга аналитик, ижодий вазибаларни ҳал қила оладиган, табиий фанлар ва математика, моделлаштириш, информатикани билладиган, танқидий фикрлашни ривожлантириш, янгиликларга ижобий муносабатда бўладиган, уларга ўз касбий фаолиятида фаол, мослашувчан ва рақобатбардош бўлган мутахассислар керак.

Муҳандислик графикаси фанини ўқитишни модернизациялашнинг асосий соҳаларидан бири Болония Декларациясида кўриб чиқилади, унга кўра муҳандислик таълими натижасининг сифати уч қирралилиги: академик сифат, рақобатбардошлик ва касбий мослашувчанлик ва меҳнат бозорида техника олий таълим муассасаси битирувчисининг инновацион фаолиятга тайёрлиги билан тавсифланади.

Академик сифатлар стандарт талабларига ва замонавий мутахассисга кўйиладиган талаблар (касбни юксак даражада ривожланишини таъминлайдиган технологик кўникмалар, ҳамкорлик муносабатлари, концептуал, воқеаларни олдиндан кўра олиш, фаолиятини режалаштириш, тизими таҳлил асосида масъул қарорлар қабул қилиш)га асосланади.

Касбий ҳаракатчанлик шахснинг интегратив хусусияти бўлиб, ўзгарувчан касбий фаолият шарт-шароитлари, узлуксиз ўз-ўзини ўқитиш, янги технологияларга тез мослашиш қобилиятини назарда тутди.

Техника олий таълим муассаларида муҳандислик графикаси фанини инновацион технологиялар асосида ташкил этиш шахс томонидан янгиликни ижобий қабул қилиниши, олдиндан айтилган ижобий таъсирга эга янгиликни амалга оширишда иштирок этишда ҳамда фан, таълим, маданиятнинг органик масалаларини бирлаштирувчи мураккаб ижтимоий ҳодиса ҳамда энг аввало, бошқарув, иқтисодиёт, таълим, маданият каби жамиятнинг турли соҳаларидаги касбий амалиётда намоён бўлади.

Техника олий таълим муассаларида муҳандислик графикаси фанини инновацион технологиялар асосида ташкил этишнинг асосий детерминантлари илм-фан ва таълим бўлиб, улар нафақат инновацион маданият мақсади, вазибалари ва методларини аниқ кўришни, балки унинг ташкил этувчилари, уларнинг ҳолати ва ҳамкорлигини аниқ эмпирик таҳлил қилишни таъминлаши керак.

Инновацион технологиялар мотивлар, билим ва кўникмалар, ҳуққатвор нормалари билан мустаҳкамланган инсоннинг кадрият йўналишини акс эттиради, янги ғоялар ва уларни амалиётга тадбиқ этишга кўникувчанликни таъминлайди.



Шундан келиб чиқиб, техника олий таълим муассаларида муҳандислик графикаси фанини инновацион технологиялар асосида ташкил этишда шахснинг индивидуал-психологик хусусиятлари, инновация соҳасидаги ўзаро боғлиқ касбий ва махсус билим ва кўникмаларнинг мажмуи тушунилади, улар янги усулда таълим олиш ва фаолият юритиш, ушбу фаолият турига мос аниқ компетентликларни кўзда тутди.

Ўз навбатида илмий-тадқиқот ва тажриба-конструкторлик фаолиятига (маҳсулот, хом ашё ва материалларнинг янги турларини яратиш; янги технологияларни ишлаб чиқиш ва амалдагиларни такомиллаштириш; маҳсулотларни стандартлаштириш, сертификатлаш ва лицензиялаш, техник ҳужжатларнинг тузиш, интеллектуал мулк ҳужжатларини расмийлаштириш), инновацион лойиҳаларни ишлаб чиқиш ва муҳандислик ижодкорлигининг мавжудлигига оид махсус билим ва кўникмалар ҳам киритилади.

Техника олий таълим муассаларида муҳандислик графикаси фанини инновацион технологиялар асосида ташкил этиш касбий таълим негизида ётувчи фаолиятли, тизимли ва бошқа умумий методологик ёндашувлар, шунингдек, мутахассисларни тайёрлашда таълим жараёнини ташкил этишнинг ўзига хослигини ифодаловчи аксиологик, рефлексив, ижодий ва компетентли, ижтимоий-психологик методологик ёндашувларга асосланади.

Мутахассис тайёрлашнинг давлат стандарти, малака кўникмалари ва муҳандиснинг хусусиятлари, шунингдек, мутахассиснинг фаолиятга тайёрлик компетентлиги бўлажак муҳандисларнинг ва кўрсаткичларини ишлаб чиқишга асос бўлиб хизмат қилади.

Техника олий таълим муассаларида муҳандислик графикаси фанини инновацион технологиялар асосида ташкил этишга тайёргарлик мезонлари ва кўрсаткичлари ва баҳолаш мезонларини ишлаб чиқишда:

1) яқин вақт ичида инновацион фаолиятини мувофиқлаштиришни йўлга қўйиш;

2) битирувчининг инновацион фаолиятга тайёргарлик (мезонлари) мазмунини аниқлаш;

3) инновацион фаолият соҳасига тайёрлик компонентларини шакллантирилганлигини ташхислаш учун кўрсаткичлар рўйхатини тизимлаштириш;

4) инновацион фаолият соҳасига тайёрлик натижаларини таҳлил қилиш учун тайёрликнинг интегратив мезонларини ишлаб чиқиш кўзда тутилади.



Техника олий таълим муассаларида муҳандислик графикаси фанини инновацион технологиялар асосида ташкил этиш янги техника яратиш, ишлаб чиқиш, ўзлаштириш ва фойдаланишга тайёрлик, прогрессив ишлаб чиқариш технологияларига мослашиш, техник тизимлардаги янгиликлар ва инновацияларни прогнозлаш, шахсий ўсиш ва касбий ривожланиш, танқидий ва аналитик фикрлаш, мулоқотчанлик, мақсадга интилиш, ўз ўзини таҳлил қилиш ва назорат қилиш каби касбий муҳим сифатлар билан тавсифланиши мумкин.

Адабиётлар:

1. Азизходжаева Н.Н. Педагогик технологиялар ва педагогик маҳорат. - Т.: «Молия», 2003.
2. Ишмухаммедов Р.Ж. Инновацион технологиялар ёрдамида таълим самарадорлигини ошириш йўллари.-Т.: ТДПУ, 2005.-216 б.
3. Педагогический энциклопедический словарь / гл. ред. Б.М.Бим-Бад; Редкол.: М.М. Безруких, В.А. Болтов, Л. С Глебова [и др.] . - М.: Большая Российская энциклопедия, 2002. - 528 с.
4. Тожибоева Д. Махсус фанларни ўқитиш методикаси. Ўқув қўлланма –Т.: фан ва технология нашриёти, 2007. – Б.81.